# "O'ZBEKISTON TEMIR YO'LLARI"

AKSIYADORLIK JAMIYATI

"O'ZTEMIRYO'LHISOB"
BOSHQARMASI

100060, Toshkent sh., T.Shevchenko ko'chasi, 7-uy.
Tel.:+998712388036, fax:+998712378746

«21» октябрь 2025 г.
№ УзЖДРГ 6/245 - 277

**«ЎТЙ» АЖ билан тўғридан-тўғри шартнома тузган транспорт-экспедиторлик ташкилотларига**

"Ўзбекистон темир йўллари" АЖ қуйидагиларни маълум қилади:

2025 йил 15 октябрдан 31 декабргача (шу жумладан) "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ станцияларидан экспорт қатновида минерал ўғитлар (ГНГ 3102-3105) ва цемент (ГНГ 2523) юкларини ёпиқ вагонлар ўрнига рефрижератор вагонларда, тегишлилигидан ва тўлов шаклидан қатъий назар Ғалаба эксп. станцияси орқали Афғонистонга ташишда:

1.Ташиш тарифлари ТП УТЙнинг 5 жадвали "свыше 56" устуни ставкаси билан ҳақиқий ортилган юк оғирлигига ҳисоблансин.

Бунда "УТЙ" АЖнинг 2025 йил 23 январдаги УзЖДРГ 6/33-334 сонли хати 1.1-бандида кўрсатилган коэффициентлар ҳам қўлланилсин.

2.Ортиш станцияларида ("Термез – Хайратон" кўприги орқали ташишда олинадиган йиғимдан ташқари) вагонларни қўйиб бериш ва олиб чиқиш, шартномавий (эркин) тарифларнинг умумлаштирилган "Ягона тариф қиймати", юкларни тушуришдан кейин ювилиши мажбурий бўлган вагонни ювиш учун йиғимларни ҳисоблашда рефрижератор вагонга ортилган юкнинг оғирлигига (юк кўтариш қобилиятидан кам ортилмаган ҳолда) қараб қуйидаги коэффициентлар қўлланилсин:

- юк кўтариш қобилияти 45 тонна бўлганда – 0,66;
- юк кўтариш қобилияти 49 тонна бўлганда – 0,72.

Бошқарма бошлиғи Сейдуллаев З.И.

Исп.: Расулов 4-94-43